

ТАНГАЛАР ТАРИХИ

*Наманган вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи катта илмий ходими **Валиева Ҳадияхон***

Тарихий манбалардан маълумки, жуда қадим замонлардан бошлаб ишлаб чиқарилган маҳсулотларни турли қабила ва жамоалар ўртасида ўзаро айрибошлаш усули ҳар доим кўзланган натижани бермаган. Чунки ишлаб чиқарилган маҳсулотга ҳар хил миқдорда меҳнат сарф қилган. Шу боис маҳсулотларни тўғри айрибошлаш учун учинчи воситачи ўлчов буюми керак эди. Пул бирлиги металлдан ясалган тангалар турли давлатларда ҳар хил даврларда муомалага кириб келган. Қадимги туркий тилидаги мўйнаси қиммат “жонзот- олмахон”- тийин деб аталган. Унинг териси натурал айрибошлашда муҳим рол ўйнаганлиги учун тийин сўзи пул қиймат бирлигини кўрсатадиган атама бўлиб қолган. Ҳозирги ўзбек тилидан танга сўзи қадимги турк тилидаги “тамға” сўзидан келиб чиққан бўлиб, ҳокимлар турли металллар: олтин, кумуш, мисларга ўз тамғасини босиб муомалага чиқарганлар ва бу пуллар “тамға” пул деб юртилган, кейинроқ у танга сўзига айланиб кетган. Рус тилидаги “деньги” сўзи ҳам танга сўзидан олинган. Тангаларда ўтган асрлардаги диний эътиқодлар, фан-маданият даражаси акс этган, шунингдек, қадимги тиллар, ёзувлар, унвонлар, ҳокимлар, шаҳар ва зарбхоналар номи сақланиб қолган.

А. Темур давридаги зарб қилинган танга энг асосий тўлов воситаси сифатида давлатнинг халқаро сиёсий ва иқтисодий қудратини мустаҳкамлашга хизмат қилган. А.Темур давлатининг танга пулларига талаб ва эҳтиёж кучли бўлганлиги учун ҳам бу пуллар нафақат Мовороуннаҳрда, балки Хуросон, Эрон ва Озарбайжон ҳудудларида ва Темурийлар ҳукмронлик қилган қатор марказий шаҳарларда ҳам зарб қилинган. Темурийлар тарихи Давлат музейи фондида ҳозирги кунда Темурийлар даврига тегишли тангалар сақланади. Бу тангаларнинг таркиби олтин, кумуш ва мисдан бўлиб, А.Темур ва Темурийлар номи билан зарб қилинган

XV аср (1494-1495йиллар) да Самарқандда зарб қилинган темурийларга оид тангалар



Милоддан аввалги 3 асрда Ўрта Осиёда пул муомаласи бошланди. Фарғонада илк бор ўз тангаси чамаси 6 асрда пайдо бўлди. 7 аср ўрталари, 8 аср бошларида Туркистоннинг тангасозлик тарихида муҳим босқич бўлди.

7 асрнинг сўнгида Абдумалик Уммавий пул ислоҳоти ўтказиб, мусулмон тангасини зарб қилишга асос солди. Танганинг олд томонида “Ла илаҳа иллаллоҳ”, орқа томонига эса “Муҳаммад Аллоҳнинг расули” ёзувлари битилган. Танганинг номланиши металлга боғлиқ бўлган. Олтин танга –динор, кумуш танга-дирҳам, мис (бронза)танга-фалс деб юритилган.

Кейинчалик Сомонийлар тангаси вужудга келди. 10-11 аср чегарасида Сомонийлар ўрнини Қорахонийлар эгаллади. Кумуш инқирозини Қорахонийлар эгаллади. Кумуш инқирози худди шу даврга тўғри келади. Қорахонийларнинг тангаси сомонийлар тангасидан ёзувининг нафислиги, умуман безакларининг хилма-хиллиги, сифатлилиги билан ажралиб туради. 16-аср бошларида Темурийлар давлатини Шайбонийлар эгаллади. 16-17 аср чегарасида Шайбонийлар ўрнини Аштархонийлар эгаллади. Ҳар икки сулолада ҳам тангалар қиймати бир хил бўлди.

18 асрда Ўрта Осиёдаги мустақил давлатлар Бухоро амирлигию, Хива хонлиги, Қўқон хонликларида олтин, кумуш, мисдан тангалар зарб этилган.



МИС ТАНГА

Қадимги Хитой тангалари каби бу танга ҳам анча қалинроқ, ўртасида тўртбурчак тешиги бор. XII-XIII асрларда Шарқий Туркистон, Или ва Чу водийси Етгисув ва Ўрта Осиёда ҳукмронлик қилган Қорахитойлар давлати ҳукмдорлари мана шу каби Яъин Хитой давлатидагига ўхшаш тангаларни зарб этдирганлар. Чингизхон қўшинлари бостириб киргунга ҳадар бу тангалар ўлкамизда киргунга қадар бу тангалар муомалада бўлган. Ушбу тангалар бизга ўлкамизнинг XII-XIII асрдаги тарихини ёритиб берувчи манба ҳисобланади.



Фойдаланилган адабиётлар.

Мусакаева А. А. Қадимги ва ўрта асрлар Марказий Осиё нумизматикаси масалалари Ўзбекистон тарихи журнали. – Тошкент, 2018. – № 2.

Баратов С. Р. Марказий Осиёда илк пул муносабатларининг шаклланиши Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари. – Тошкент, 2021.